

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2019 йил 12 февралдаги
2 - сонли қарорига
ИЛОВА

«Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини тузиш бўйича
Услубий низом

«Харажатлар – ишлаб чиқариш» симметрик жадвалини тузиш бўйича ушбу услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом) «Миллий ҳисоблар тизими - 2008» (МХТ-2008) халқаро стандарти ва «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини тузиш ва уни таҳлил қилиш қўлланмаси» асосида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика органлари томонидан «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини тузишда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий низомда тармоқ классификацияси сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичидан (кейинги ўринларда – ИФУТ-2) ва маҳсулотлар таснифлагичи сифатида Маҳсулотларнинг статистик таснифлагичидан (кейинги ўринларда – МСТ) фойдаланган ҳолда «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини тузиш бўйича ишларни амалга ошириш назарда тутилган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий Низомда МХТ-2008 нинг қуйидаги терминлари ва таърифларидан фойдаланилади:

муассаса – бу корхона ёки корхонанинг бир қисми бўлиб, у бир ерда жойлашган ва бир турдаги ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлади ёки асосий фаолият турига қўшилган қийматнинг устун ҳиссаси тўғри келади;

тармоқ бу бир хил ёки шунга ўхшаш фаолият турлари билан шуғулланадиган муассасалар гуруҳини ўзида акс эттиради;

асосий фаолият ишлаб чиқариш бирлигининг шундай фаолиятини тавсифлайдики, унинг жараёнида яратилган қўшилган қиймат миқдори айнан ўша бирликнинг шунга ўхшаш бошқа ҳар қандай фаолиятлари натижасида яратилган қўшилган қийматлари миқдоридан катта бўлади;

иккиламчи фаолият – асосий фаолиятнинг ишлаб чиқариши каби ушбу ишлаб чиқариш бирлигидан ташқарига маҳсулот етказиб берадиган, асосий фаолият билан биргаликда, ишлаб чиқариш бирлигининг ичида амалга ошириладиган фаолият;

савдо устамаси товар қийматини савдо фаолияти орқали уни сотиш жараёнида ўзгариши миқдорини ўзида акс эттиради, яъни товарни сотиш ва сотиб олиш нархлари орасидаги фарқдир;

транспорт устамаси товарларнинг бозор нархига киритиладиган ва сотиб олувчилар томонидан тўланадиган транспорт хизматлари қийматини ўзида акс эттиради;

махсулотларга солиқлар – резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда товар ёки хизматларнинг бир бирлиги учун солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради;

махсулотларга субсидиялар – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

II. Асосий нархлардаги ишлатилиш жадвалини ҳисоблаш тартиби

2. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» симметрик жадвалини тузишнинг бошланғич асоси бўлиб, асосий нархлардаги ресурслар ва ишлатилиш жадваллари ҳисобланади.

3. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» симметрик жадвали иқтисодиётнинг техник таркиби асосида ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатларни аниқлаш имконини беради. Бунинг учун ИФУТ-2 даги бир гуруҳда таснифланган корхоналарнинг бир хиллиги таъминланиши шарт бўлганидек, техник муносабатларга солиқ сиёсатини ва операцион харажатларнинг таъсир этиш натижасини чегириб ташлаш имконини берувчи ишлаб чиқарилган ва ишлатилган товарлар ва хизматлар қийматини баҳолаш тизимининг ҳам бир хиллигини таъминлаш керак бўлади.

4. Сотиб олиш нархларидаги ишлатилиш жадвалларининг ҳар бир элементи қуйидаги компонентлардан ташкил топади: асосий нархлардаги маҳаллий товарлар ва хизматлар, импорт қилинган товарлар ва хизматлар, савдо устамалари, транспорт устамалари, махсулотларга солиқлар ва махсулотларга субсидиялар.

5. Асосий нархлардаги ишлатилиш жадвалини тузиш учун сотиб олиш нархларини шакллантирувчи компонентлар акс эттирилган матрицалар тизими тузилади.

6. Асосий нархлардаги ишлатилиш жадвалининг I ва II квадрантлари доирасида қуйидаги қаторлар ажратиб кўрсатилади:

- а) ишлатилган товарлар учун савдо устамаси;
- б) ишлатилган товарлар учун транспорт устамаси;
- в) ишлатилган товарлар ва хизматлар учун махсулотларга соф солиқлар.

Асосий нархлардаги ишлатилиш жадвалининг III квадранти ўзгаришсиз қолади ва сотиб олиш нархларидаги ишлатилиш жадвалининг худди шундай маълумотларига тўлиқ мос келади.

7. Асосий нархлардаги ишлатилиш жадвали сотиб олиш нархларидаги ишлатилиш жадвалидан импорт товарлар ва хизматлар ишлатилиш жадвалларини, савдо устамаси, транспорт устамаси, маҳсулотларга солиқлар матрицаларини айириш ва маҳсулотларга субсидиялар матрицасини қўшиш йўли билан ҳисобланади.

8. Устамалар, маҳсулотларга солиқлар матрицалари ресурслар жадвалидан олинган устамалар, маҳсулотларга солиқлар векторларини сотиб олиш нархларидаги ишлатилиш жадвали таркиби бўйича тақсимлаб ҳисобланади:

$$\sum x_{ij} = X_i,$$

бу ерда, i – маҳсулот

j – тармок

x_{ij} – транспорт, савдо устамалари, маҳсулотларга соф солиқлар, импорт товарлар ва хизматлар ишлатилиш матрицалари элементлари;

X_i – ресурслар жадвалидаги “ i ” маҳсулотда транспорт, савдо устамалари, маҳсулотларга соф солиқлар, импорт товарлар ва хизматлар ишлатилишининг миқдори.

1. Савдо устамалари матрицаси

9. Савдо устамалари матрицаси ҳар бир элементи товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг якуний истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган маҳсулотлар қийматидаги савдо маржасини кўрсатувчи жадвални ўзида акс эттиради.

10. Савдо устамалари матрицаси улгуржи ва чакана савдода автомобиль ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси учун алоҳида ҳисобланади.

11. Савдо устамаларини тармоклар бўйича тақсимлаганда шуни ҳисобга олиш керакки, чакана савдо устамасининг катта қисми истеъмол товарларини сотиб олишда уй хўжаликларининг харажатларида амалга оширилади. Товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи иқтисодий субъектлар улгуржи савдо хизматидан фойдаланадилар, автомобиль ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси хизматлари автотранспорт воситалари товарлари гуруҳига киради. Чакана савдони амалга оширишда экспорт кўзда тутилмайди. Савдо устамаси уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи давлат бошқаруви органлари ва ноτιжорат ташкилотларининг якуний истеъмолига тегишли эмас.

12. Савдо устамалари матрицаси ҳар бир савдо тури бўйича устамалар матрицаларининг йиғиндиси сифатида шакллантирилади.

2. Транспорт устамалари матрицаси

13. Транспорт устамаларининг матрицаси ҳар бир элементи фойдаланилган маҳсулотлар таркибида транспорт хизматлари қийматини кўрсатувчи жадвални ўзида акс эттиради.

14. Транспорт устамаларига фақат шундай юк ташиш харажатлари кирадики, яъни уларни мол етказиб берувчилар сотиб олувчилар учун алоҳида ҳисобда кўрсатадилар ва сотувчилар учинчи томонга тўлаб берадилар. Товарларни етказиш сотиб олувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолларда ушбу харажатлар транспорт устамалари сифатида эмас, балки таннархда транспорт харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

15. Транспорт устамалари матрицаларини тузиш ҳар бир транспорт тури (темир йўл, автомобиль, ҳаво ва қувур йўллари) бўйича устамалар матрицаларини тузиш орқали амалга оширилади.

16. Транспорт устамалари матрицаси ҳар бир транспорт тури бўйича устамалар матрицаларининг йиғиндиси сифатида шакллантирилади.

3. Маҳсулотларга соф солиқлар матрицаси

17. Маҳсулотларга соф солиқлар матрицаси маҳсулотларга солиқлар ва маҳсулотларга субсидиялар матрицаларидан шаклланади.

18. Маҳсулотларга солиқлар матрицаси ҳар бир элементида оралик ёки якуний истеъмолда фойдаланилган ресурслар таркибидаги солиқни кўрсатувчи жадвални ўзида акс эттиради.

19. Маҳсулотларга субсидиялар матрицаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот асосида шакллантирилади ва субсидияларнинг мақсади бўйича тақсимланади.

Соф солиқлар матрицасини тузишда шуни ҳисобга олиш кераки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ экспортга йўналтирилган товарлар солиққа тортилмайди. Шунинг учун маҳсулотларга соф солиқлар экспорт маҳсулотларига тақсимланмайди. Маҳсулотларга солиқлар, шунингдек, уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи давлат бошқаруви органлари ва нотижорат ташкилотларнинг якуний истеъмолига ҳам тегишли эмас.

20. Ишлатилиш жадвалига соф солиқлар матрицаси устунларининг умумий қийматларидан иборат қатор маълумотлари киритиладиган маҳсулотларга соф солиқлар қўшимча қатори киритилади.

4. Импорт товарлар ва хизматлар ишлатилиши матрицаси

21. Импорт товарлар ва хизматлар ишлатилиши матрицаси ҳар бир элементи оралик ёки якуний истеъмолда фойдаланилган импорт товарлар ва хизматлар қийматини кўрсатувчи жадвални ўзида акс эттиради.

22. Ушбу матрицани тузишда товарлар ва хизматлар импорти ҳамда импортёрлар ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олган Давлат божхона қўмитаси ва статистик кузатувлар маълумотларидан фойдаланилади.

23. Импорт қилинадиган товарлардан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, мутаносиблик тамойилидан фойдаланиш тўғрисидаги тахминларга асосланган ҳолда, импорт қилинган ресурсларни тармоқлар бўйича оралиқ талаблар ва якуний фойдаланиш йўналишларига кўра тақсимлаш амалга оширилади.

Масалан, истеъмол товарлари асосан чакана савдо учун мўлжалланган. Бунинг сабаби шундаки, уларнинг асосий қисми уй хўжаликларининг якуний истеъмол қийматига киритилган ҳамда маълум бир қисми эса улгуржи ва чакана савдо заҳираларида бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, импорт қилинадиган истеъмол товарлари қиймати ушбу фойдаланиш йўналишларига мутаносиб равишда тақсимланади. Импорт қилинган машина ва ускуналар асосий фондлар ҳисобланиб, асосий капиталнинг жамғарилишида акс эттирилади.

24. Оралиқ ва якуний фойдаланиш йўналишлари бўйича импорт хизматларини тақсимлаш статистик кузатувлар маълумотлари асосида амалга оширилади.

5. Маҳаллий товарлар ва хизматларнинг ишлатилиши матрицаси

25. Маҳаллий товарлар ва хизматларнинг ишлатилиши матрицаси ҳисоблаб чиқиш йўли билан тузилади. Асосий нархлардаги товарлар ва хизматларнинг ишлатилиши матрицасидан асосий нархлардаги импорт қилинган товарлар ва хизматларнинг ишлатилиши матрицаси чегириб ташланади. Агар баъзи кўрсаткичларда манфий сонлар ҳосил бўлган бўлса, ушбу манфий сонларни бартараф этиш учун тизим матрицасига тузатишлар киритилади.

III. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» симметрик жадвалини

математик усуллар билан ҳисоблаш тартиби

26. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвали биринчи ва учинчи квадрант тармоқлари маҳсулотлари гуруҳига алмаштирилган асосий нархлардаги ишлатилиш жадваллари асосида ҳисобланади. Натижада қаторларида ва устунларида маҳсулотлар гуруҳи акс этган маҳсулот-маҳсулот квадрант матрицаси ҳосил бўлади ва бир хил таснифлаш ишлатилади. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвали қаторлари ва устунларининг жами тенг бўлади. Шунинг учун ҳосил бўлган матрица симметрик, деб қаралади.

27. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвали товарлар ва хизматларнинг ишлатилиши жадвали каби ўзининг иктисодий мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилувчи 3 қисмдан (квадрантлардан) иборат.

I квадрант товарлар ва хизматлар гуруҳини ишлаб чиқаришда товарлар ва хизматлар оралиқ истеъмолининг таркибини тавсифлайди.

II квадрант товарлар гуруҳлари кесимида якуний талабнинг элементлари (якуний истеъмол, ялпи жамғариш, экспорт)ни тавсифлайди.

III квадрант ялпи қўшилган қийматнинг қиймат таркиби (меҳнат ҳақи, ялпи фойда ва ялпи аралаш даромад, ишлаб чиқаришга солиқлар ва ишлаб чиқаришга субсидиялар)ни тавсифлайди.

«Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалининг схемаси 1-иловада келтирилган.

28. Ресурслар жадвалининг устунларида бир турдан кўп маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларидан, яъни иккиламчи маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан ташқари бир хил фаолият тури билан шуғулланувчи ташкилотлар бўйича маълумотлар кўрсатилади. Ишлатилиш жадвалида бу тармоқлар бўйича оралик истеъмолга асосий маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар билан бирга иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ҳам киради. Ресурслар ва ишлатилиш жадвалларини «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалларига айлантириш зарурати иккиламчи маҳсулотлар мавжудлиги учун юзага келган.

29. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги фаразга асосланган усул шундан иборатки, бунда ҳар бир тармоқда бир хил ишлаб чиқариш технологияси, бир хилдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда бир хил харажатлар таркибидан фойдаланилади. Бошқача айтганда ҳар бир маҳсулот ўзининг асл стандарт харажатлар таркибига эга. Иккиламчи фаолият тури маҳсулотини ресурслар жадвалидаги тегишли фаолиятга ўтказишда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар мазкур фаолиятнинг ишлатилиш жадвали ўтказиладиган тармоқ тузилмасига мувофиқ кўчирилади. Барча иккиламчи маҳсулотлар учун шундай амаллар бажарилгандан сўнг, тармоқлардаги оралик харажатлар эмас, балки устундаги маҳсулотлар гуруҳини ишлаб чиқариш учун кетган оралик харажатлар акс эттирилади.

30. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини тузиш учун асосий нархлардаги товарлар ва хизматлар ишлатилиш жадвалини (U) ўзгартириш керак:

а) жадвални симметрик ҳолга келтириш (агарда у симметрик бўлмаса) ва оралик йиғиндиларни чиқариб ташлаш керак (бунда сатр ва устунлар сони албатта мос келиши лозим);

б) истеъмол қилинган савдо устамасини «Савдо хизматлари» сатрига, истеъмол қилинган транспорт устамасини эса «Транспорт хизматлари» сатрига қўшиш керак;

в) истеъмол қилинган маҳсулотларга соф солиқларни шартли равишда қўшилган қийматга ўтказиш.

Бу ўзгартиришларни киритгандан сўнг, товарлар ва хизматларнинг ишлатилиши жадвали симметрик жадвал кўринишига келади.

31. Товарлар ва хизматларнинг ишлатилиши ҳамда товарлар ва хизматлар ресурслари жадвалларининг сатрлари ва устунлари сони бир-бирига мос келиши лозим. Сонли миқдорлар мавжуд бўлмаган катакларда «0» кўрсатилади.

32. Кейинги боскичда товарлар ва хизматлар ресурслари жадвали бўйича ҳар бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби ҳисоблаб чиқилади, яъни тармоқлардаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш таркиб улуши матрицаси (V) ҳосил қилинади, кейин эса V^{-1} тескари матрицасига айлантирилади.

33. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» симметрик жадвалини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича матрицаларни бир-бирига кўпайтириб топилади:

$$X = U * V^{-1},$$

бу ерда, X – «харажатлар – ишлаб чиқариш» симметрик жадвали;

U – товарлар ва хизматлар ишлатилиши симметрик жадвали;

V^{-1} – ресурсларнинг тескари матрицаси.

34. Шундай қилиб, биринчи квадрант ва қўшилган кийматнинг айрим таркибий қисмлари, жумладан, ёлланма ишчиларга тўланган меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар ва маҳсулотларга соф солиқлар (яъни, ҳисоблаб бўлгандан сўнг, биринчи квадрантга қайтарилади) ҳисобланади. Ялпи фойда сальдо усули билан ҳисобланади.

Ҳосил қилинган жадвалда манфий кўрсаткичлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳисоб-китобларга тузатишлар киритилади.

35. Ишлатилиш жадвалидаги якуний талабнинг квадранти ўзгаришсиз қолади. Бу квадрант маҳсулотлар гуруҳи бўйича талабни акс эттиради ва уни ўзгартириш зарурати мавжуд эмас.

IV. Бевосита ва тўлиқ харажатлар коэффицентларини ҳисоблаш

36. «Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвали бевосита ва тўлиқ харажатлар коэффицентларини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бевосита харажатлар коэффиценти бир бирлик ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши учун керакли турли харажатларнинг ҳолати ва ҳажмини ифодалайди, лекин билвосита харажатларни акс эттирмайди. Бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзидан кейин ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро боғлиқ бўлган занжирни ҳосил қилади, бунда харажат сифатида ишлатилаётган ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиши ва ўз навбатида турли харажатларни талаб қилади. Зарур бўлган харажатларнинг бир цикли бошқа циклни, униси эса ўз навбатида яна бошқасини талаб қилади. Таҳлилий мақсадлар учун тўлиқ харажатлар коэффиценти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, нафақат бевосита харажатларни, балки билвосита харажатларни ҳам ҳисобга олишни таъминлайди.

37. Бевосита харажатлар коэффиценти a_{ij} ҳар бир харажатлар элементи x_{ij} ни барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар X_j га бўлиш орқали топилади. Улар ишлаб чиқарилаётган 1000 сўмлик маҳсулотга кетадиган турли харажатларнинг ҳолати ва ҳажмини ифодалайди, лекин билвосита харажатларни ўз ичига олмайди.

$$a_{ij} = \frac{x_{ij}}{X_j}$$

38. Тўлиқ харажатлар коэффиценти тескари матрицани ҳисоблаш йўли билан топилади (Леонтъев инверсияси):

$$(I-A)^{-1},$$

бу ерда, I - бирлик матрица, унда барча диагонал бўйича жойлашган элементлар 1 га тенг, қолган барча элементлар 0 га тенг бўлади;

A – бевосита харажатлар коэффиценти матрицаси.

Ушбу ҳисоб-китобларни амалга оширишда, диагональ элемент ошади ва >1 қийматни ташкил қилади, бундан келиб чиқадики, $(I-A)^{-1}$ формуласи тўлиқ эмас, деб ҳисобланади.

Тўлиқ харажатларнинг тўғри миқдорларини ҳосил қилиш учун тескари ва бирлик матрицаларни ҳисоблаш амалга оширилади.

$$(I-A)^{-1} - I$$

Шу тарзда ҳосил қилинган миқдорлар тўлиқ харажатлар коэффицентларига мос келади.

39. Якунловчи босқичда тўлиқ харажатлар коэффиценти 1000 сўмлик маҳсулотга нисбатан ҳисобланади, яъни коэффицент миқдорлари 1000 га кўпайтирилади.

V. Якуний қоидалар

40. Бошланғич статистик маълумотлардан четга чиқиш натижасида «харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвали кузатилган ҳодисаларнинг умумлашган маълумотлари бўлмайди, балки таҳлилий тузилма бўлади.

41. Берилган жадвал асосида товарлар гуруҳлари бўйича нархларнинг шаклланиш таркиби, у ёки бу маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши учун қандай ҳажмдаги капитал ва импорт талаб этилиши таҳлил қилинади, шунингдек, қаралаётган фаолият турига таъсир этадиган бошқа фаолият турларини ва ушбу фаолият турининг бошқа фаолият турларига таъсирини аниқлаш бўйича прогноз ҳисоб-китоблари амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Система национальных счетов – 2008, Организация Объединенных Наций, Европейская комиссия, Организация экономического сотрудничества и развития, Международный валютный фонд и Всемирный банк, 2009.
2. Руководство по составлению таблиц затрат-выпуска и их анализу, ООН, 2000.
3. Eurostat Manual of Supply, Use and Input-Output Tables, 2008.
4. Handbook on Supply, Use and Input-Output Tables with Extensions and Applications, UN, 2018.

«Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини
тузиш бўйича Услубий низомга
1-илова

«Харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалининг схемаси

Товарлар ва хизматларнинг номи	Оралиқ истеъмол			Якуний истеъмол	Ялпи жамғариш	Экспорт	Импорт (-)	Жами ишлатилган ресурслар (асосий нархларда)
	Маҳсулот “1”	Маҳсулот “2”	Маҳсулот “n”					
Маҳсулот “1” Маҳсулот “2” Маҳсулот “n” Маҳсулотларга соф солиқлар	I квадрант			II квадрант				X
Қўшилган қийматнинг таркибий қисмлари	III квадрант							
Ишлаб чиқариш (асосий нархларда)	X							